

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

Мавзу: РУДОЛЬФ КАРНАПНИНГ ФАН ФАЛСАФАСИ

**Бажарди: Д. Худойберганова – “Фалсафа
тарихи” мутахассислиги 1 курс магистри.**

ТОШКЕНТ - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
1	Вена тўгарагининг фаолияти.....	4
2	Верификация тамойили.....	9
3	Лингвистик таҳлил фалсафаси.....	13
	Хулоса	19
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	21

КИРИШ

XX асрнинг бошларида ва ўртасида неопозитивизм фалсафаси мантикий позитивизмга айланди. Бу оқим позитивизмга хос бўлган барча билимларни фақат тажрибадан келтириб чиқашишга асосланди, тажриба билимнинг асосий манбаъи ҳисобланди.

Позитивизмнинг бу хусусияти Кантнинг тажрибавий билимни юқори баҳолашидан келиб чиқди ва Кант фалсафасига қисман таянди. Лекин ҳар бир тарихий даврда позитивизм ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Силлогизмнинг катта асоси доим априор, яъни тажрибага асосланмаган ҳисобланар эди. Мантикий позитивизмнинг асосчиларидан бири Джон Стюар Милль ушбу асосни ҳам тажрибадан келиб чиқишини асослаб берди.

Иккинчи позитивизм бўлган махизм ёки эмпириокритицизм объектив борлиқни тажриба билан бир деб ҳисоблади ва тажрибадан ташқарида бўлган объектив реалликни тан олмади. Фаннинг кашфиётлари махизм ғояларининг чекланган эканлигини исботлади. XX асрдаги материянинг субатом даражасининг очилиши, электрон кашф этилиши, кейинчалик протон-нейтрон ва лептонларнинг очилиши билишнинг эмпирик ҳолатини инсоннинг фақат ҳис-туйғуларига боғлиқ эмаслигини исботлаб берди. Бу майда заррачалар инсон кўзига кўринмайди, уларнинг ҳаракатини фақат экспериментлардан билса бўлади холос. Физик асбоб-ускуналар кўзга кўринмас заррачалар ҳақидаги ахборотни бевосита бермайди. Улар махсус экспериментлар орқали бизнинг сезгиларимизга таъсир қилмайдиган заррачаларнинг мавжуд эканлигини исботлайди.

Бу экспериментдаги асбоб-ускуналар махсус назарияларга ва илмий концепцияларга асосланган тарзда яратилган.

Шундай қилиб, бу асбоб-ускуналар орқали экспериментал, эмпирик билим назарий билим билан чамбарчас буғлиқ бўлади. Субатом

даражаларини ўрганиш амалий ва назарий билимларнинг ажралмас яхлит билим эканлигини яна бир марта кўрсатиб берди.

1. Вена тўғарагининг фаолияти

Дастлаб “мантикий позитивизм” атамаси 1920-1930 йилларда Венада яшаган, ўзлари учун фан йўналиши танлаб иш олиб борган гуруҳ файласуфларни (*Вена тўғарагини*) ифодалаш учун қўлланилган. Бу гуруҳга Мориц Шлик (Moriz Schlick, 1882-1936), Отто Нейрат (Otto Neurath), Рудольф Карнап (Rudolf Carnap 1891-1970) каби файласуфлар кирар эди. Гуруҳ яна бошқа немис тилида сўзлашувчи файласуфларни ҳам ўз ичига олган эди. (Жумладан, Карл Гампель, Carl Hempel, 1905-1998 ва Ганс Рейхенбах Hans Reichenbach 1891-1953).

Мантикий позитивистларни бирлаштирган нарса уларнинг спекулятив фалсафадан йироқлиги эди. Метафизика даври аллақачон ўтди! Биз таянишимиз керак бўлган нарса – бу мантик (шу жумладан, математика) ва намуна сифатида физикани ҳам қамраб оладиган эмпирик фанлар. Шу сабабли мантикий позитивистлар фақат ўзлари ишлаб чиққан шаклдаги фаннинг таҳлилий фалсафасини ягона фалсафа сифатида эътироф этишарди.

Анъанавий фалсафага нисбатан шунга ўхшаш танқидий муносабат ўша пайтдаги Британия фалсафасига ҳам хос эди. У қисман оддий тилга асосланган концептуал танқиддан иборат эди. (Жорж Эдуард Мур, George Edward Moore 1873-1958). Қисман эса 1910 йилда математик мантик ҳақидаги машҳур асар “*Principia Mathematica*”ни тугаллаган Бертран Рассел (Bertrand Russell 1872-1970) ва Алфред Уайтхед (Alfred North Whitehead 1861-1974) сингари мантикий формал услубларни қўллар эди. Муайян давр мобайнида Рассел мантикий позитивизмнинг Британиядаги кўзга кўринган ҳимоячиларидан бири бўлди. (Яна бошқа бир вакил – Алфред Жулиус Айер, Alfred Jules Ayer 1910-1989 дир.

Рассел тил билан воқеликнинг ўзаро бир хилдаги мувофиқлиги ҳақидаги қарашни ҳимоя қилган. Тил қисман атомар фактларга мувофиқ келадиган атомар оғзаки иборалардан ва қисман ушбу оғзаки иборалар ўртасидаги мантиқий ўзаро боғланишлардан ташкил топади. Бунда мантиқий алоқалар формал мантиқ томонидан баён қилинади. Масалан “мушук” ва “бўйра” сўзларини кўриб чиқайлик. Бу сўзлар атомар фактларга, яъни муайян мушукка ва муайян бўйрага тегишли атомар оғзаки иборалар сифатида қўлланилади. “Ушбу мушук шу бўйрада ётибди” деган гап мушукнинг бўйрада ётишидан иборат нарсаларнинг муайян мураккаб ҳолати билан ўзаро бир хилда мувофиқ келади, чунки бу гап таркибига кирадиган оддий (атомар) лингвистик иборалар нарсаларнинг оддий ҳолатларини кўриб чиқиладиган гапнинг синтактик шакли мушук билан бўйра ўртасидаги муносабатни тўғри акс эттиради.

Шундай қилиб, воқелик оддий, алоҳида фактлардан иборат ва шу тариқа эпистемик идрок этилган тил ана шу фактларга мувофиқ келадиган оддий, алоҳида иборалардан ташкил топади, деган фикр мавжуд. Бунда ушбу лингвистик иборалар ўртасидаги тўғри мантиқий алоқалар мазкур иборалар кўрсатадиган фактлар ўртасидаги мавжуд муносабатларга мувофиқ келади.

Аслида мавжуд бўлган нарсани таъкидлаб кўрсатадиган гаплар қизиқарли оғзаки иборалар ҳисобланади. Бундай гаплар ёки фикрлар воқелик билан ўзаро бир хилдаги мувофиқликка эга бўлиши ва шу сабабли эпистемик идрок этилиши мумкин. Оғзаки ибораларнинг бошқа турлари (ундошлар, буйруқлар, саволлар, баҳоловчи фикрлар, мажозий иборалар ва шу кабилар) бундай хусусиятга эга эмас ва билишга доир қизиқиш касб этмайди.

Бундай атомистик фикр воқелик (ва тил) оддий, алоҳида фактлардан (ва иборалардан) иборат ва воқелик билан тил ташқи жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келади, деб таъкидлайди. Бунга таянадиган фикрлаш усули турлича тушунчалар ва ишларнинг ҳолатлари бир-биридан инкор қилади

ва бошқача тушунчалар ҳамда ишларнинг ҳолатларини кўрсатади деб изоҳлайдиган диалектик фикрлаш усулига зид келади. Диалектика тушунчаларнинг ички алоқаларига асосланадиган яхлитликларни излаш тенденциясига эга, атомизм эса дунё ва тилни бир-бири билан ташқи алоқа қиладиган алоҳида иборалар ва фактлар сифатида тушунади. “Ички алоқа” ҳақида гапирганда биз алоҳида тушунча унинг бошқа тушунчалар билан муносабатларисиз белгиланиши мумкин эмаслигини назарда тутамиз. Бошқача айтганда, тушунчанинг тўлиқ таърифи бошқа тушунчаларга боғлиқ бўлади (харакат тушунчаси ушбу ҳаракат йўналтирилган ният, амал қилувчи шахс ва объект каби тушунчалар ёрдамида белгиланади, деган нуқтаи назар билан таққосланг).

“Ташқи муносабат” ҳақида гапирганда биз тушунча, унинг бошқа тушунчалар билан алоқаларидан қатъи назар, шу ҳолида ҳам тушунча эканлигини назарда тутамиз (Масалан, мушук, унинг бўйра билан қандай алоқаси мавжудлигидан қатъи назар, барибир мушукдир).

Шундай қилиб, биз фикрнинг билимни ифодалашга қодир бўлиши учун бажарилиши лозим бўлган иккита шартга эгамиз.

1. Фикр яхши шакллантирилган, яъни грамматик жиҳатдан тўғри бўлиши лозим.
2. Фикр тажриба орқали тасдиқланадиган бўлиши керак, яъни биз аслида бундай фикрни кузатувлар ва гипотетик-дедуктив услуб ёрдамида исботлаб бера оладиган бўлишимиз лозим.

Бундай шартларга жавоб бера олмайдиган фикрлар билимни ифодаламайди. Улар эпистемик жиҳатдан беҳудадир. “Ўлдирмагин”, “Худо - эзгуликдир” ва “субстанция ягона” каби этик, диний ва метафизик фикрлар шунга мисол бўлади. Эпистемик идрок қилиниш мезонларига биноан бундай фикрлар билимни ифодаламайди. Албатта, бунда уларнинг ҳиссий жиҳатидан идрок этилиши мумкинлиги инкор қилинмайди. Масалан, қадриятлар ҳақидаги фикрлар кўпинча шахс учун ҳам, жамият

учун ҳам аҳамиятлидир. Бироқ, ана шу икки мезонга кўра, улар билимдан иборат бўлган фикрлар ҳисобланмайди.

Расселнинг позициясини (унинг фалсафий ижодининг муайян босқичидаги) ҳисобга олиб, мантиқий позитивизмнинг нуқтаи назарини қисқача шундай ифодалаш мумкин. Фақат икки турдаги эпистемик идрок этилган фикрлар, яъни айнан таҳлилий фикрлар ва яхши шакллантирилган *апостериор* синтетик фикрлар мавжуд.

Бошқача айтганда, биз формал фанларда (математик мантиқда) ва тажриба ҳамда гипотетик-дедуктив услубга таянадиган фанларда топадиган фикрларгина ягона эпистемик идрок этилган фикрлар ҳисобланади.

Вена тўғарагига мансуб бўлган гуруҳ мантиқий позитивизмининг икки уруш оралиғи давридаги асосий позицияси – соддалаштириб айтганда – шундан иборат эди.

Эпистемик жиҳатдан идрок этиладиган фикрлар билан эпистемик беҳуда фикрлар – ҳақиқий билимлар билан сохта фикрлар ўртасидаги фарқ бу ўринда текширилиши (тажриба орқали тасдиқланиши) мумкин бўлган фикрлар билан текширилиши мумкин бўлмаган фикрлар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Бундай тафовут фан билан сохта фан ўртасидаги тафовутга ўхшашдир.

Эмпирицизмнинг бошқа шаклларида ўхшаб мантиқий позитивизм гносеологик рационализмга, яъни ҳақиқийликни даъво қиладиган, лекин айни пайтда кузатув ва гипотетик-дедуктив услуб ёрдамида текширилганида талабларга жавоб бера олмайдиган фикрларга қарши чиқади. Хусусан, теология ва классик метафизика (масалан, онтология) эпистемик жиҳатдан беҳудалиги сабабли инкор қилинади.

Биз илгари қайд қилганимиздек, бундай раддия муаммолидир, чунки эмпирицистик тезиснинг ўзи у эпистемик жиҳатдан беҳуда, деб эълон қиладиган тоифага тушуб қолмайдими, деган савол туғилади. Ушбу тезиснинг ўзини эмпирик жиҳатдан текшириш мумкинми? Биз Декарт ва

Локк муносабати билан ана шу ўз-ўзига қўлланишга асосланган бундай эътироз тўғрисида эслатиб ўтган эдик.

Эмпирицистик тезисга кўра, кадриятга оид мулоҳазалар – этик ва эстетик фикрларни эпистемик жиҳатдан беҳуда, деб эълон қилиш керак бўлади. Бироқ бундай ҳолда уларнинг рад қилиниши теологик ва метафизик фикрларни инкор қилишга нисбатан бошқача тусда бўлади. Айтиш мумкинки, этик ва эстетик фикрлар эпистемик жиҳатдан беҳуда, лекин улар теологик ва метафизик фикрлардан фарқли равишда билишга доир аҳамиятга эгалликни даъво қилишмайди. Улар “ҳақиқат” ва “ёлғон” атамалари билан асосланиши мумкин бўлмаган дастурлар ва баҳоларни ифодаласа-да, барибир бизнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди. Ўқувчига Юмнинг этика муҳокамасида билдирган билиш (“ақл-идрок”) билан эмоциялар (“ҳис-туйғулар”)нинг алоқаси хусусидаги нуқтаи назари ҳақида эслатиб ўтиш мумкин.

Вена тўғараги сиёсий масалаларга нисбатан асло лоқайд қарамас эди. Иккита жаҳон уруши оралиғидаги даврда унинг аъзолари аниқ антифашист позицияни эгалладилар. Эмпирицистик базиснинг оқибатларидан бири фашизмни илмий бемаънилик сифатида инкор этиш бўлади. Шундай қилиб, мантиқий позитивистлар муайян сиёсий ва этик позицияларни ҳам тутиб туришган. Лекин бунда шуни қайд қилиш керакки, улар ўзлари эгаллаган меъёрий позициянинг танланишини рационал далиллар воситасида асослаб бера олиш мумкин, деб ҳисоблашмаган. Пировард натижада, гап этик ва сиёсий масалаларга бориб тақалганида, ҳар бир киши рационалликкача бўлган (*prerational*) қарорларга ишониши лозим. Ҳар бир киши аслида рационал жиҳатдан тўғри деб эътироф қилиниши мумкин бўлмаган ечимни танлайди.

Позитивизмнинг идрок этилмайдиган (илмий жиҳатдан текширилмайдиган) нарсанинг эмпирицистик таърифига асосланиб фашистик сафсаталардан ҳимояни тақдим этган-этмаганлигидан қатъи назар, у барибир базавий фашистик меъёрларни рад қила олмас эди.

Бошқача айтганда, позитивистлар фашистларнинг қоидаларидаги эмпирик жиҳатдан текширилмаган ва текширилмайдиган ғояларни (масалан, ирқчилик назарияси ва минг йилликдаги учинчи рейх ҳақидаги ғояни) инкор қилиши мумкин эди. Бироқ позитивистлар базавий меъёрлар ва тамойиллар тўғрисидаги далилланган мунозаранинг ўтказилиши мумкинлигини ошқора рад қилишган. Уларнинг фикрича, бу соҳадаги мунозара ишонарли хулосаларга олиб келиши мумкин эмас эди.

Мантиқий позитивизм мактаби шундай ташкил топиб, шаклланиб борган, унинг ғоявий ва ташкилий ядросини “Вена тўғараги” ташкил қилган. Неопозитивизм фан фалсафаси, “табиатшунослик фалсафаси” сифатида Ғарб мамлакатларида кенг тарғиб қилинган. 30-йиллардан бошлаб бу йўналиш турли хил халқаро илмий ҳамжамиятлари кўринишида чиқа бошлади. Мантиқ ва фан фалсафаси халқаро жамияти, Фанлар фалсафаси халқаро академияси томонидан табиатшунослик ва фалсафанинг хилма-хил муаммолари ўртага ташланиб, ўзига хос ечимлари бериладиган “Билиш”, “Анализ”, “Унификацияланган фан журнали” ва бошқа журналлар нашр этилиб келинмоқда.

2. Верификация тамойили

Неопозитивизмни дунёга келишини нима билан тушунтириб бериш мумкин? У табиатшуносликнинг ривожланиши, унинг ўсишидаги қийинчиликларни тушунишга интилиш муносабати билан пайдо бўлган. Неопозитивизмни пайдо бўлишининг умумий гносеологик сабаблари сифатида:

биринчидан, билимларнинг нисбийлиги;

иккинчидан, фанларнинг назарий қисмининг ривожланиши билан яққол намоён бўлган фанларнинг математиклашуви ва формаллашуви жараёни.

Неопозитивистлар илмий билишга янгича қарашни ишлаб чиқишган бўлиб, унган кўра илмий билишга – ҳиссий сезгилар берган маълумотлар асосида мантиқий конструкция сифатида қаралган. Мантиқий позитивизмнинг асосий хусусиятлари:

1. Фаннинг тасвирий характери.

Илмий билимнинг асосланиши бу – фактларни ўрнатилиши (фиксация). Фактлар бу – соф ҳиссий тажрибанинг ўрнатилиши (фиксация) ва қолган билимларга нисбатан бетарафлик. Мисол учун, мен ҳидини ҳис қилиб турган гулни ҳам моддий, ҳам моддий эмас деб аташ беъманиликдир. Мен уни моддий деб ҳисоблайманми, ёки идеал дебми, нима бўлганида ҳам бу унинг мен ҳис қилиб турган ҳидига ҳечам таъсир кўрсатмайди, у бундан ёмон ҳидли бўлиб қолмайдику ? Демак, верификация жараёнида ҳукми (айтилган қандайдир фикр-мулоҳазани) фақат сезги органлари маълумотлари билан таққослаш мумкин. Бундан келиб чиқадики, бирорта ҳам илмий қонун, “барча одамлар ўлади” деган ҳукмга ўхшаш бирорта ҳам мулоҳаза верификациядан ўтиши мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, верификация принципини белгилаб беради – барча ҳосил қилинган билимларнинг тажрибавий текшируви.

2. Верификация принципининг киритилиши.

Уларнинг тадқиқотларида фан тилини мантиқий таҳлил қилиш асосий ўрин тутди. Илмий тилдан барча сохта фан (псевдонаука) – улар қаторига кундалик муомаладаги тил ҳам, фалсафадаги ҳукмлар ҳам киритилган – чиқариб юборилиши керак.

Верификация – чин билимларни текшириш жараёни (процедура). У мураккаб мулоҳазаларни протокол мулоҳазаларга бўлишни тақозо этади. Протокол мулоҳазаларнинг чинлиги шубҳасиз, сабаби улар соф ҳиссий тажрибани намоён этади. Мураккаб мулоҳазаларни протокол мулоҳазаларга келтириш *редукция* деб номланади. Мулоҳаза протокол мулоҳазами ёки йўқми буни олимнинг ўзи белгилайди.

Фан мулоҳазаларининг чинлигини верификация қилиш олимнинг ўзи баҳолашига боғлиқ бўлиб қолгач субъектив характерга эга бўлиб қолди. Шунинг учун, мулоҳаза агар бир нечта нуфузли олимлар бирлашиб туриб “чин” деб топсаларгина верификациядан ўтган деб ҳисобланиши мумкин. Яъни чинлик (ҳақиқат) мезони – тадқиқотчилар розилиги.

3. Фалсафани тилнинг мантиқий таҳлили билан айнанлаштирилиши.

Фалсафани мантиқий таҳлилга келтириш бу – Расселнинг “хизмати”. Бутун фалсафани тилнинг мантиқий таҳлили билан айнанлаштирган неопозитивистлар фалсафа соҳасидан барча фалсафий муаммоларни чиқариб ташлашади ва шу билан фалсафани деярли йўққа чиқаришади (ликвидация).

4. Идеал тилни шакллантириш.

Кундалик оддий тил кўплаб чалкашликлар ва янглиш фикрларга олиб келади, деб ҳисоблашади. Бунга барҳам бериш учун, ҳар қандай чалкашликлар ва янглишишлардан сақловчи идеал тилни шакллантириш зарур.

Фан тили куйидагича қурилади: бирламчи мулоҳазалардан мантиқ қоидалари бўйича мураккаб мулоҳазалар келтириб чиқарилади. Бунда фан мулоҳазалари ё чин, ё ёлғон ёки бемаъно бўлиши мумкин. Беъмано мулоҳазаларни аниқлаш учун фан тилини мантиқий таҳлили зарур – бу билан файласуфлар шуғулланиши керак.

Мантиқий позитивизм вакиллари нуқтаи назарига кўра олим фаолияти асосан икки нарсага йўналтирилиши керак:

- 1) Протокол мулоҳазаларни ўрнатилиши;
- 2) Бу мулоҳазаларни бирлаштириш ва умумлаштириш усулларини яратиш.

Илмий назария пирамида кўринишида тасаввур қилинган. Унинг юқорисида асосий постулатлар туради; бутун пирамида протокол мулоҳазаларнинг мувофиқлигига таянади.

5. Фалсафий мушоҳада юритиш методи сифатида замонавий формал мантиқ намоён бўлади.

Фалсафа, - деган эди Карнап, - бу “фан мантиғи”. Бундан, дунё ҳақидаги позитив (ижобий) билим кузатиш протоколлари мазмунига келтириб бўладиган мулоҳазаларда акс этган билим ҳисобланади, деган хулоса келиб чиқади. Демак, аввалги фалсафа (“метафизика”) неопозитивистлар томонидан бемаънилик деб эълон қилинади.

Неопозитивистлар нуктаи назарича позитив фалсафанинг предмети нима?

Фалсафа, неопозитивистлар таъбирича, - бу конкрет фанлар тушунчаларининг маъносини топиш бўйича таҳлилий (аналитик) фаолият. Бу йўналиш – таҳлилий (аналитик) фалсафа. У:

1. Фалсафани мантиқий таҳлили – унда формал мантиқ фанларни формаллаштириш учун ягона илмий метатилни яратишга кўмаклашиб, позитив фалсафа методи ҳисобланади;
2. Лингвистик фалсафа – кундалик тилни, маъно жиҳатларини тадқиқ этиш, кўпмаъноликни бартараф этиш. Бу Карнапнинг семантик фалсафасига бўлинади.

Шундай қилиб, позитивизм, эмпиризм, янги мантиқ ҳамда янги физика ва математиканинг муаммоларини англашни кесишувида юзага келган мантиқий позитивизм (эмпиризм) мураккаб ҳодиса сифатида намоён бўлади. 1960-1970 йилларда мантиқий позитивизм концепциясини мантиқий (К.Поппер ва бошқалар) ва тарихий (И.Лакатос, Т.Кун, П.Фейерабенд ва бошқалар) танқид қилган постпозитивизм томонидан сиқиб чиқарилади. Мантиқий позитивизмнинг (эмпиризм) асосларини постпозитивизм анча соддалаштирилган кўринишда баён этганди. Хрестоматик позитивизмнинг асосий жиҳати: соф эмпирик протокол мулоҳазаларга таянадиган верификация методи, алоҳида мулоҳазаларнинг чинлигининг эмпирик мезонлари (Лакатосда улар “джастификационизм” эътиборига тушади) ва фан ривожининг оддий кумулятив модели.

Карнапнинг “тил каркаслари” ва Нейратнинг “энциклопедиялари” каби мураккаб вариантлар “протокол мулоҳазалар”, индуктив қонунларни ва билимларнинг прогрессив тўпланишини таклиф қилишига қарамай четга суриб чиқарилади.

3. Лингвистик таҳлил фалсафаси

Мантиқий позитивизм борлиқни, ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга эришгандай бўлди. Лекин фалсафий масалаларнинг қийинчилиги шундан иборат бўлдики, уларнинг ечими топилгандай бўлганда фаннинг ривожланиши бу ечимни чил-парчин қилиб юборди. Борлиқ ҳақидаги билим қандай бўлмоғи лозим, деган масалани қўйди ва бу саволга: «Борлиқ ҳақидаги билим эмпирик тажрибага асосланган билим», - деб жавоб берди. Бу масаланинг қўйилиши янги саволларни ўртага ташлайди. Мулоҳаза қандай пайдо бўлади? Мулоҳазанинг аниқ ва равшанлиги нимадан иборат? Инсон ва тил қандай ўзаро муносабатда? Инсон ким ўзи? Инсон бу дунё билан қандай муносабатда? Дунёнинг ўзи қандай? ва ҳақозолардир.

Локкдан бошлаб Юмгача бўлган классик Британия эмпирицизми учун асосан ҳиссий туйғулар асосий негиз ҳисобланар эди. Шу маънода у психологияга таянарди. XX асрда, асосан иккита жаҳон уруши оралиғидаги даврда, мантиқий эмпирицизм ёки мантиқий позитивизм деб аталадиган йўналиш пайдо бўлди. У лингвистика билан анча муҳим боғланган ва асосан методологик масалалар, яъни билишни қандай қилиб асослаш мумкинлиги ёки тажриба билан қиёслаганда бизнинг воқелик тўғрисидаги фикрларимизни қандай қилиб кучайтириш ёки сусайтириш мумкинлиги ҳақидаги масалалар билан шуғулланар эди. Биз мантиқий позитивизмни классик эмпирицизм билан ҳозирги формал мантиқнинг синтези натижаси сифатида ҳам кўриб чиқишимиз мумкин. У қисман тилнинг мантиқий тузилишига (синтаксисига) ва қисман билимнинг

методологик тажриба орқали синалишига (верификацияга) мурожаат қилади. “Мантиқий позитивизм” деган номнинг ўзи психологиядан тил ва методология томон бурилишни кўрсатади.

Дастлаб “мантиқий позитивизм” атамаси 1920-1930 йилларда Венада яшаган, ўзлари учун фан йўналиши танлаб иш олиб борган гуруҳ файласуфларни (*Вена тўғарагини*) ифодалаш учун қўлланилган. Бу гуруҳга Мориц Шлик (Moriz Schlick, 1882-1936), Отто Нейрат (Otto Neurath), Рудольф Карнап (Rudolf Carnap 1891-1970) каби файласуфлар кирар эди. Гуруҳ яна бошқа немис тилида сўзлашувчи файласуфларни ҳам ўз ичига олган эди. (Жумладан, Карл Гампель, Carl Hempel, 1905-1998 ва Ганс Рейхенбах Hans Reichenbach 1891-1953).

Мантиқий позитивистларни бирлаштирган нарса уларнинг спекулятив фалсафадан йироқлиги эди. Метафизика даври аллақачон ўтди! Биз таянишимиз керак бўлган нарса – бу мантиқ (шу жумладан, математика) ва намуна сифатида физикани ҳам қамраб оладиган эмпирик фанлар. Шу сабабли мантиқий позитивистлар фақат ўзлари ишлаб чиққан шаклдаги фаннинг таҳлилий фалсафасини ягона фалсафа сифатида эътироф этишарди.

Анъанавий фалсафага нисбатан шунга ўхшаш танқидий муносабат ўша пайтдаги Британия фалсафасига ҳам хос эди. У қисман оддий тилга асосланган концептуал танқиддан иборат эди. (Жорж Эдуард Мур, George Edward Moore 1873-1958). Қисман эса 1910 йилда математик мантиқ ҳақидаги машҳур асар “*Principia Mathematica*”ни тугаллаган Бертран Рассел (Bertrand Russel 1872-1970) ва Алфред Уайтхед (Alfred North Whitehead 1861-1974) сингари мантиқий формал услубларни қўллар эди. Муайян давр мобайнида Рассел мантиқий позитивизмнинг Британиядаги кўзга кўринган ҳимоячиларидан бири бўлди. (Яна бошқа бир вакил – Алфред Жулиус Айер, Alfred Jules Ayer 1910-1989 дир.

Рассел тил билан воқеликнинг ўзаро бир хилдаги мувофиқлиги ҳақидаги қарашни ҳимоя қилган. Тил қисман атомар фактларга мувофиқ

келадиган атомар оғзаки иборалардан ва қисман ушбу оғзаки иборалар ўртасидаги мантиқий ўзаро боғланишлардан ташкил топади. Бунда мантиқий алоқалар формал мантиқ томонидан баён қилинади. Масалан “мушук” ва “бўйра” сўзларини кўриб чиқайлик. Бу сўзлар атомар фактларга, яъни муайян мушукка ва муайян бўйрага тегишли атомар оғзаки иборалар сифатида қўлланилади. “Ушбу мушук шу бўйрада ётибди” деган гап мушукнинг бўйрада ётишидан иборат нарсаларнинг муайян мураккаб ҳолати билан ўзаро бир хилда мувофиқ келади, чунки бу гап таркибига кирадиган оддий (атомар) лингвистик иборалар нарсаларнинг оддий ҳолатларини кўриб чиқиладиган гапнинг синтактик шакли мушук билан бўйра ўртасидаги муносабатни тўғри акс эттиради.

Шундай қилиб, воқелик оддий, алоҳида фактлардан иборат ва шу тариқа эпистемик идрок этилган тил ана шу фактларга мувофиқ келадиган оддий, алоҳида иборалардан ташкил топади, деган фикр мавжуд. Бунда ушбу лингвистик иборалар ўртасидаги тўғри мантиқий алоқалар мазкур иборалар кўрсатадиган фактлар ўртасидаги мавжуд муносабатларга мувофиқ келади.

Аслида мавжуд бўлган нарсани таъкидлаб кўрсатадиган гаплар қизиқарли оғзаки иборалар ҳисобланади. Бундай гаплар ёки фикрлар воқелик билан ўзаро бир хилдаги мувофиқликка эга бўлиши ва шу сабабли эпистемик идрок этилиши мумкин. Оғзаки ибораларнинг бошқа турлари (ундошлар, буйруқлар, саволлар, баҳоловчи фикрлар, мажозий иборалар ва шу кабилар) бундай хусусиятга эга эмас ва билишга доир қизиқиш касб этмайди.

Бундай атомистик фикр воқелик (ва тил) оддий, алоҳида фактлардан (ва иборалардан) иборат ва воқелик билан тил ташқи жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келади, деб таъкидлайди. Бунга таянадиган фикрлаш усули турлича тушунчалар ва ишларнинг ҳолатлари бир-биридан инкор қилади ва бошқача тушунчалар ҳамда ишларнинг ҳолатларини кўрсатади деб изоҳлайдиган диалектик фикрлаш усулига зид келади. Диалектика

тушунчаларнинг ички алоқаларига асосланадиган яхлитликларни излаш тенденциясига эга, атомизм эса дунё ва тилни бир-бири билан ташқи алоқа қиладиган алоҳида иборалар ва фактлар сифатида тушунади. “Ички алоқа” ҳақида гапирганда биз алоҳида тушунча унинг бошқа тушунчалар билан муносабатларисиз белгиланиши мумкин эмаслигини назарда тутамиз. Бошқача айтганда, тушунчанинг тўлиқ таърифи бошқа тушунчаларга боғлиқ бўлади (ҳаракат тушунчаси ушбу ҳаракат йўналтирилган ният, амал қилувчи шахс ва объект каби тушунчалар ёрдамида белгиланади, деган нуқтаи назар билан таққосланг).

“Ташқи муносабат” ҳақида гапирганда биз тушунча, унинг бошқа тушунчалар билан алоқаларидан қатъи назар, шу ҳолида ҳам тушунча эканлигини назарда тутамиз (Масалан, мушук, унинг бўйра билан қандай алоқаси мавжудлигидан қатъи назар, барибир мушукдир).

Шундай қилиб, биз фикрнинг билимни ифодалашга қодир бўлиши учун бажарилиши лозим бўлган иккита шартга эгамиз.

3. Фикр яхши шакллантирилган, яъни грамматик жиҳатдан тўғри бўлиши лозим.
4. Фикр тажриба орқали тасдиқланадиган бўлиши керак, яъни биз аслида бундай фикрни кузатувлар ва гипотетик-дедуктив услуб ёрдамида исботлаб бера оладиган бўлишимиз лозим.

Бундай шартларга жавоб бера олмайдиган фикрлар билимни ифодаламайди. Улар эпистемик жиҳатдан беҳудадир. “Ўлдирмагин”, “Худо - эзгуликдир” ва “субстанция ягона” каби этик, диний ва метафизик фикрлар шунга мисол бўлади. Эпистемик идрок қилиниш мезонларига биноан бундай фикрлар билимни ифодаламайди. Албатта, бунда уларнинг ҳиссий жиҳатидан идрок этилиши мумкинлиги инкор қилинмайди. Масалан, қадриятлар ҳақидаги фикрлар кўпинча шахс учун ҳам, жамият учун ҳам аҳамиятлидир. Бироқ, ана шу икки мезонга кўра, улар билимдан иборат бўлган фикрлар ҳисобланмайди.

Расселнинг позициясини (унинг фалсафий ижодининг муайян босқичидаги) ҳисобга олиб, мантиқий позитивизмнинг нуқтаи назарини қисқача шундай ифодалаш мумкин. Фақат икки турдаги эпистемик идрок этилган фикрлар, яъни айнан таҳлилий фикрлар ва яхши шакллантирилган *апостериор* синтетик фикрлар мавжуд.

Бошқача айтганда, биз формал фанларда (математик мантиқда) ва тажриба ҳамда гипотетик-дедуктив услубга таянадиган фанларда топадиган фикрларгина ягона эпистемик идрок этилган фикрлар ҳисобланади.

Вена тўғарагига мансуб бўлган гуруҳ мантиқий позитивизмининг икки уруш оралиғи давридаги асосий позицияси – соддалаштириб айтганда – шундан иборат эди.

Эпистемик жиҳатдан идрок этиладиган фикрлар билан эпистемик беҳуда фикрлар – ҳақиқий билимлар билан сохта фикрлар ўртасидаги фарқ бу ўринда текширилиши (тажриба орқали тасдиқланиши) мумкин бўлган фикрлар билан текширилиши мумкин бўлмаган фикрлар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Бундай тафовут фан билан сохта фан ўртасидаги тафовутга ўхшашдир.

Эмпирицизмнинг бошқа шаклларида ўхшаб мантиқий позитивизм гносеологик рационализмга, яъни ҳақиқийликни даъво қиладиган, лекин айни пайтда кузатув ва гипотетик-дедуктив услуб ёрдамида текширилганида талабларга жавоб бера олмайдиган фикрларга қарши чиқади. Хусусан, теология ва классик метафизика (масалан, онтология) эпистемик жиҳатдан беҳудалиги сабабли инкор қилинади.

Биз илгари қайд қилганимиздек, бундай раддия муаммолидир, чунки эмпирицистик тезиснинг ўзи у эпистемик жиҳатдан беҳуда, деб эълон қиладиган тоифага тушуб қолмайдими, деган савол туғилади. Ушбу тезиснинг ўзини эмпирик жиҳатдан текшириш мумкинми? Биз Декарт ва Локк муносабати билан ана шу ўз-ўзига қўлланишга асосланган бундай эътироз тўғрисида эслатиб ўтган эдик.

Эмпирицистик тезисга кўра, кадриятга оид мулоҳазалар – этик ва эстетик фикрларни эпистемик жиҳатдан беҳуда, деб эълон қилиш керак бўлади. Бироқ бундай ҳолда уларнинг рад қилиниши теологик ва метафизик фикрларни инкор қилишга нисбатан бошқача тусда бўлади. Айтиш мумкинки, этик ва эстетик фикрлар эпистемик жиҳатдан беҳуда, лекин улар теологик ва метафизик фикрлардан фарқли равишда билишга доир аҳамиятга эгалликни даъво қилишмайди. Улар “ҳақиқат” ва “ёлғон” атамалари билан асосланиши мумкин бўлмаган дастурлар ва баҳоларни ифодаласа-да, барибир бизнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди. Ўқувчига Юмнинг этика муҳокамасида билдирган билиш (“ақл-идрок”) билан эмоциялар (“ҳис-туйғулар”)нинг алоқаси хусусидаги нуқтаи назари ҳақида эслатиб ўтиш мумкин.

Вена тўғараги сиёсий масалаларга нисбатан асло лоқайд қарамас эди. Иккита жаҳон уруши оралиғидаги даврда унинг аъзолари аниқ антифашист позицияни эгалладилар. Эмпирицистик базиснинг оқибатларидан бири фашизмни илмий бемаънилик сифатида инкор этиш бўлади. Шундай қилиб, мантиқий позитивистлар муайян сиёсий ва этик позицияларни ҳам тутиб туришган. Лекин бунда шуни қайд қилиш керакки, улар ўзлари эгаллаган меъёрий позициянинг танланишини рационал далиллар воситасида асослаб бера олиш мумкин, деб ҳисоблашмаган. Пировард натижада, гап этик ва сиёсий масалаларга бориб тақалганида, ҳар бир киши рационалликкача бўлган (*prerational*) қарорларга ишониши лозим. Ҳар бир киши аслида рационал жиҳатдан тўғри деб эътироф қилиниши мумкин бўлмаган ечимни танлайди.

Позитивизмнинг идрок этилмайдиган (илмий жиҳатдан текширилмайдиган) нарсанинг эмпирицистик таърифига асосланиб фашистик сафсаталардан ҳимояни тақдим этган-этмаганлигидан қатъи назар, у барибир базавий фашистик меъёрларни рад қила олмас эди. Бошқача айтганда, позитивистлар фашистларнинг қоидаларидаги эмпирик жиҳатдан текширилмаган ва текширилмайдиган ғояларни (масалан,

ирқчилик назарияси ва минг йилликдаги учинчи рейх ҳақидаги ғояни) инкор қилиши мумкин эди. Бироқ позитивистлар базавий меъёрлар ва тамойиллар тўғрисидаги далилланган мунозаранинг ўтказилиши мумкинлигини ошқора рад қилишган. Уларнинг фикрича, бу соҳадаги мунозара ишонарли хулосаларга олиб келиши мумкин эмас эди.

Мантиқий позитивизм мактаби шундай ташкил топиб, шаклланиб борган, унинг ғоявий ва ташкилий ядросини “Вена тўғараги” ташкил қилган. Неопозитивизм фан фалсафаси, “табиатшунослик фалсафаси” сифатида Ғарб мамлакатларида кенг тарғиб қилинган. 30-йиллардан бошлаб бу йўналиш турли хил халқаро илмий ҳамжамиятлари кўринишида чиқа бошлади. Мантиқ ва фан фалсафаси халқаро жамияти, Фанлар фалсафаси халқаро академияси томонидан табиатшунослик ва фалсафанинг хилма-хил муаммолари ўртага ташланиб, ўзига хос ечимлари бериладиган “Билиш”, “Анализ”, “Унификацияланган фан журнали” ва бошқа журналлар нашр этилиб келинмоқда.

Хулоса

Мантиқий позитивизм борлиқни, ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга эришгандай бўлди. Лекин фалсафий масалаларнинг қийинчилиги шундан иборат бўлдики, уларнинг ечими топилгандай бўлганда фаннинг ривожланиши бу ечимни чил-парчин қилиб юборди. Борлиқ ҳақидаги билим қандай бўлмоғи лозим, деган масалани кўйди ва бу саволга: «Борлиқ ҳақидаги билим эмпирик тажрибага асосланган билим», - деб жавоб берди. Бу масаланинг кўйилиши янги саволларни ўртага ташлайди. Мулоҳаза қандай пайдо бўлади? Мулоҳазанинг аниқ ва равшанлиги нимадан иборат? Инсон ва тил қандай ўзаро муносабатда? Инсон ким ўзи? Инсон бу дунё билан қандай муносабатда? Дунёнинг ўзи қандай? ва ҳақозолардир.

Локкдан бошлаб Юмгача бўлган классик Британия эмпирицизми учун асосан ҳиссий туйғулар асосий негиз ҳисобланар эди. Шу маънода у

психологияга таянарди. XX асрда, асосан иккита жаҳон уруши оралиғидаги даврда, мантиқий эмпирицизм ёки мантиқий позитивизм деб аталадиган йўналиш пайдо бўлди. У лингвистика билан анча муҳим боғланган ва асосан методологик масалалар, яъни билишни қандай қилиб асослаш мумкинлиги ёки тажриба билан қиёслаганда бизнинг воқелик тўғрисидаги фикрларимизни қандай қилиб кучайтириш ёки сусайтириш мумкинлиги ҳақидаги масалалар билан шуғулланар эди. Биз мантиқий позитивизмни классик эмпирицизм билан ҳозирги формал мантиқнинг синтези натижаси сифатида ҳам кўриб чиқишимиз мумкин. У қисман тилнинг мантиқий тузилишига (синтаксисига) ва қисман билимнинг методологик тажриба орқали синалишига (верификацияга) мурожаат қилади. “Мантиқий позитивизм” деган номнинг ўзи психологиядан тил ва методология томон бурилишни кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тўла асарлар тўплами. –Ж..1-19 – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2010.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

Асосий адабиётлар:

1. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Буржуазная философия середины XIX начала XX века. –М.: Высшая школа, 1988.
2. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р., Қобулниёзова Г., Рўзматова Г. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2002.
3. Фарб фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2004.
4. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2002.

Қўшимча адабиётлар:

1. Виндельбанд В. Прелюдие. СПб, 1904.
2. Риккерт Г. Науки о природе и науки о культуре. СПб, 1911.
3. Риккерт Г. Понятие о философии. //Логос, 1910. Т.1.
4. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. «Неокантчилик».
5. Западная философия XX века. –М.:МГУ, 1998.
6. Зотов А.Ф. Проблема бытия в «Новой онтологии» Н.Гартмана. //Современный объективный идеализм. – М., 1963.
7. Философский энциклопедический словарь. –М., 1988. «Гартман». С. 102-103.
8. Западная философия: итоги тысячелетия. –Екатирибург: Деловая книга, 1997. –Бишкек: Одиссей, 1997. С. 411-541.
9. Айер А.Ж. Философия и наука. //Вопросы философии. 1962, № 1.
- 10.Карнап Р. Значение и необходимость. –М., 1958.
- 11.Рассел Б. Человеческое познание, его сфера и границы. –М., 1957.
- 12.Рейхенбах Г. Направление времени. –М., 1962.

13. Франк Ф. Философия науки. –М., 1960.
14. Богомолов А.С. Английская буржуазная философия XX века. –М., 1973. Гл. 5,6,7.
15. Нарский И.С. Современный позитивизм. –М., 1961.
16. Козлова М.С. Философия и язык. –М., 1972.
17. Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. –М., 1986.
18. Поппер К. Открытое общество и его враги. –М., 1992.
19. Нарский И.С. Современная буржуазная философия: два ведущих течения начала 80-х годов XX века. –М., 1983.
20. Никифиров А.Л. Методологическая концепция постпозитивизма // Вопросы философии. 1976. № 8.
21. Григорьян В.Т. Философская антропология. –М., 1982.
22. Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. С. 190-214.
23. Тавризян Г.М. Экзистенция и объективность. //Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. С. 44-65.
24. Современная буржуазная философия. –М., 1978.
25. Новейший философский словарь. –Минск: В.Г. Скакун, 1998.
26. Леви-Строс К. Структурная антропология. –М., 1983.
27. Хрестоматия по истории философии. От Шопенгауэра до Дерриды. –М.: ВЛАДОС, 1997.
28. Зотов А.Ф. Современная западная философия. –М.: Высшая школа, 2001.
29. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Буржуазная философия середины XIX начала XX века. –М.: Высшая школа, 1988. С. 152-179.
30. Фуко М. Археология знания. –Киев, 1996.
31. Фуко М. Слова и вещи. –М., 1977.
32. История философии. –М.: Знание, 1997.
33. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. «Фуко».
34. Делез Ж. Логика смысла. –М., 1995.
35. Делез Ж., Гваттари Ф. Тысячи плато. –Бишкек, 2000. Гл. 5. Капитализм и шизофрения.
36. Постмодернизм и культура. –М., 1991.
37. На путях постмодернизма. –М., 1995.
38. Забайлов Л.К., Шопинский В.А. Постмодернизм. –М., 1993.
39. Губман Б.Л. Кризис современного неотомизма. –М., 1983.
40. Долгов К.М. Диалектика и схоластика. –М., 1983.
41. Желнов М.В. Критика гносеологии современного неотомизма. –М., 1973.
42. Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. С. 264-279.
43. Философский энциклопедический словарь. –М., 1988. «Неотомизм». С. 430-431.
44. Гадамер Х.-Г. Истина и метод. –М., Прогресс, 1988.

45. Бессонов Б.Н. Герменевтика. История и современность. // Гадамер Х.-Г. Истина и метод. –М., Прогресс, 1988. Вступительная статья. С. 5-36.
46. Рикер П. Конфликт интерпретация. Очерки по герменевтике. –М., 1995.